

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 821.512.133 (09)**

НОРМАТОВА РАБОҲАТ АБДУЛЛАЕВНА

МАШРАБ ШЕЪРИЯТИ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

10.01.03 – Ўзбек адабиёти тарихи

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор

Исматулла Абдуллаев

Илмий маслаҳатчи: филология фанлари доктори, профессор
Ҳамиджон Ҳомидов

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
Саидбек Ҳасанов

филология фанлари номзоди
Акрам Дехқонов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тил ва адабиёт институти

Диссертация ҳимояси 2012 йил _____ ойининг ____ куни соат ____ да
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан
доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.067.02.16 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ Ўзбек
филологияси факультети, 409-аудитория.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси,

Автореферат 2012 йил _____ ойининг ____ куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
филология фанлари номзоди

А. ТИЛАВОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Бу эса ўтмиш тарихимизни, маънавий қадриятлар ва меросимизни мустақиллик эҳтиёжлари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиб, улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”¹.

Бу сўзлар миллий адабиётимиз тарихини ўрганаётган олимлар учун дастуруламалдир. Шу вақтгача ўнлаб адибларимиз ва алломаларнинг адабий, диний ва тарихий мероси қайта ўрганилиб, асарлари нашр қилинди. Шулар қатори улуғ шоир Бобораҳим Машрабнинг ижодий мероси турли йўналишлар бўйича илмий-назарий жиҳатдан ўрганилди, ўрганилмоқда. Айниқса, унинг адабий меросини тўплаш ва нашр этиш борасида самарали ишлар қилинди. Машрабнинг жумбоқларга тўла ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида манбалар тўпланди, унинг лирикаси “Девон” ҳолида нашр этилди. Шоир лирик асарларининг ғоявий-тематик жиҳатлари, маҳорати, поэтик тили, ижодига доир илмий тадқиқотлар юзага келди.

Машраб ижодининг тарихий-филологик, хронологик, фалсафий ва тилшунослик нуктаи назаридан ўрганилганлиги, келгусида қилинадиган ишларни аниқ белгилаб олиш имконини беради. Шўро даврида ҳам бу борада салмоқли ишлар қилинган. Бироқ шоир адабий мероси хусусидаги илмий мақола ва рисоалар ўша давр мафкураси талаблари асосида баҳоланди. Шунга қарамай, улар факт ва далилларнинг кўплиги билан катта аҳамиятга эгадир. Бугунги кунга келиб Машраб ижоди матншунослик аспектида ҳам ўрганилмоқда. Илмий қайд ва хулосаларга суяниб туриб, шоир меросининг ҳали етарли тадқиқ этилмаган жиҳатлари кўп эканини таъкидлаш керак. Машраб лирикаси бўйича мавжуд илмий ишлар шарҳи шуни кўрсатадики, шоирнинг поэтик маҳорати сирлари, шеърларидаги бадий санъатларнинг функциялари, шоир қўллаган халқ мақоллари, матал, афоризм ва фразеологик иборалар шу пайтга қадар махсус таҳлил қилинмаган, уларни мустақиллик шароитида миллий-маънавий тикланиш мезонлари асосида ўрганиш зарурати бор. Бу эса ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Машраб қуйлаган ғоялар миллат тараққиёти ва шахс камолоти учун, айниқса, муҳимдир. Шоир маънавий меросини тадқиқ ва тарғиб этиш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 31.

тарихимиз, маданий қадриятларимиз, урф-одатларимизни яхшироқ ўрганишга ҳамда янги авлод вакилларида аждодларимизга эҳтиром, миллий ифтихор туйғуларини тарбиялашда ёрдам беради. Президентимиз Ислон Каримов айтганидек: “Ҳаққоний тарихни ўрганмай туриб, ўзликни англаш мумкин эмас”¹.

Шоир ғазалларининг халқ томонидан кўп ўқилиши, ҳофизлар томонидан куйланиши, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга кўчиб юриши ҳам унинг халқ қалбига нақадар яқинлигини кўрсатади. Машраб адабий меросининг катта қисми бизгача халқ китоблари орқали етиб келганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу эса, шоир назмий асарларининг халқ руҳига нечоғлик яқин эканини кўрсатади. Машраб шеърляти ва халқ оғзаки ижоди муаммосини ўрганиш шунинг учун ҳам долзарб илмий муаммолардандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Машраб ижодини адабиётшуносликда ўрганиш XVIII асрдан бошланган бўлса-да, XX аср охириларига келиб бу борадаги тадқиқотлар янгича босқичга кўтарилди. Академик В. Абдуллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти XVII-XVIII асрлардаёқ адабиёт ва илм ихлосмандлари эътиборини тортганини таъкидлаб ўтган².

Машрабшунослик аввало, шоир асарларини нашр эттириш ишларидан бошланган. Бу борада, ўзбек тадқиқотчилари меҳнатларини камситмаган ҳолда, дастлабки даврларда рус шарқшунослари хизмати самарали бўлганини эслатиб ўтиш ўринли. Жумладан, шарқшунос В.Л.Вяткин ва М. Ликошин Машраб меросига катта қизиқиш билан қараган. Шоир шеърларини, у ҳақда ёзилган маноқибларни рус тилига таржима қилган, оригинал матнларни замонавий босмаҳоналарда чоп этиш зарурлигини ўртага ташлаган³. А.Фитрат⁴ В.Абдуллаев⁵, А.Ҳайитметов⁶, А.Абдуғафуров⁷, И.Абдуллаев⁸,

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998. – Б. 29.

² Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 346 б.

³ Вяткин В.Л. Ферганский мистик Дивана-и-Машраб. ал-Искандария. Сборник Туркестанского восточного института (в честь профессора А.Шмидта). – Т., 1923. – 170 с.; Ликошин Н.С. Деванаи Машраб. Жизнеописание популярнейшего представителя мистицизма в Туркестанском крае. – Самарканд: Изд. Б.А.Лазаревъ, 1910. – 244 с.

⁴ Фитрат Абдурауф. Машраб. // Илмий фикр. 1930, №1. Б. 43; Фитрат Абдурауф. Машраб. Ёш ленинчи. 1991, 3 июль; Фитрат Абдурауф. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан, 1993. – 56 б.

⁵ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 346 б.

⁶ Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – 165 б; Ҳайитметов А. Машраб лирикаси // Шарқ юлдузи. 1980, №3. – Б. 80-85; Ҳайитметов А. Машраб қасрда туғилган? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1982, 19 ноябрь; Ҳайитметов А. Машраб ҳақида сўз. // Адабий мерос. 1992. №3. – Б. 22-25; Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 238 б.

⁷ Абдуғафуров А. Машраб биографиясининг баъзи нуқталари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. №6. – Б. 10-14; Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 160 б.; Абдуғафуров А. Машраб қачон туғилган? // Адабий мерос, 1980. №4. Б. 7-12; Абдуғафуров А. Тошларни ёради кўксимнинг охи. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 22 май; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. – 181 б.; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 216 б.

⁸ Абдуллаев И. Яна Машраб таваллуди ҳақида. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 28 октябрь; Абдуллаев И. Машраб ва “Мабдаи нур”. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 12 апрель; Абдуллаев И. Нашр этилмаган шеърлар. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 13 май. Абдуллаев И. Машраб таржимаи ҳолига оид ғазаллар. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 17 январь.

М.Зокиров¹ каби олимлар Машраб меросини халққа тақдим этишга, унинг ҳаёти ва ижодини илмий асосда ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. И.Ҳаққулов², Э.Мусулмонқулов³, М.Ҳошимхонов⁴, А.Халилбеков⁵ ва Д.Ҳамроева⁶ монографияларида, докторлик ва номзодлик диссертацияларида диссертацияларида мустақиллик йиллари машрабшунослигини янги босқичга кўтардилар. Адабиётшунос Н.Комилов тасаввуф ва тасаввуф адабиётига оид асарларида Машраб ижодига кўп бор мурожаат этди. У Машраб тўғрисида махсус асар яратмаган бўлса-да, унинг ижодига холис илмий муносабат билдиради, ўз фикрларини далиллашда шоир қарашларига суянади⁷.

Бироқ Машраб ижодининг ҳали ўрганилмаган жиҳатлари кўп. Чунки шоир меросига оид илмий ишларда унинг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ жиҳатлари талаб даражасида ўрганилмаган. Бу эса, мазкур масалани ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек адабиёти” кафедраси илмий тадқиқотлар режасига ва адабиётшуносликнинг устувор йўналишларига мувофиқ келади.

Тадқиқот мақсади: Бобораҳим Машрабнинг поэтик маҳорати, шеърларидаги бадий санъатларнинг адабий-эстетик функцияларини, шоир қўллаган халқ мақоллари, матал, афоризм ва фразеологик ибораларни тадқиқ этиш ҳамда илмий баҳолаш.

Тадқиқот вазифалари:

– машрабшунослик тарихини тадрижий тарзда ўрганиш; мустамлакачилик ва тоталитар тузум шароитида Машраб асарларига муносабат тарихига назар ташлаш, амалга оширилган ишларга умумий баҳо бериш, уларга таянган ҳолда шоир меросининг кам ўрганилган жиҳатларини тадқиқ этиш;

– Машраб лирикаси ва халқ оғзаки ижоди масаласини назарий асосда таҳлил қилиш;

¹ Зокирий Мухсин. Машраб. Адабий-танкидий очерк. – Т.: Бадий адабиёт, 1966. – 120 б.; Зокиров М. Шубҳалар ўринлими? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982, 29 январь; Зокиров М. Машрабнинг боғистонлик дўсти. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1984, 24 август; Зокиров М. Тасаввуф таълимоти ҳақида. // Шарқ юлдузи, 1990, №7. – Б. 89-90.

² Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.; Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998. – 154 б.; Ҳаққулов И. Яна қора ранг талқини ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, №3. – Б. 17-24; Ҳаққулов И. Ишқ ва комиллик жазбаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. №1. Б. 3-9; Ҳаққулов И. Ҳол ва ҳақиқат асрори. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2003, 14 март.

³ Мусурмонқулов Э. Ошиқ фано бўлмай туриб... Ёшлик. 1997. №5. – Б. 10-15; Мусурмонқулов Э. Раҳимбобо Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1995. – 20 б.

⁴ Ҳошимхонов М. Машраб ижтимоий фалсафий қарашлари. Фалсафа фан. номз... дисс. автореферати. – Т.: 1995. – 22 б.; Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзим. – Т.: Шарқ, 2002. – 144 б.; Ҳошимхонов М. Машраб эътиқоди. Адабий мерос. 1992, №2.

⁵ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Т.: Руҳафзо, 1998. – 174 б.

⁶ Ҳамроева Д.Ю. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ ва истилоҳ мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Т.: 2004. – 156 б.

⁷ Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.; Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1999. – 208 б.

- шоир лирикасини бадиий маҳорат нуқтаи назаридан ўрганиш;
- Машраб шеъриятида қўлланган халқ мақоллари, матал, афоризм ва фразеологик ибораларни таснифлаш ва тадқиқ қилиш;
- шоир лирикасининг миллий заминлари ва бадиий қирраларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишда қуйидаги манбалар тадқиқот объекти қилиб белгиланди:

1. “Девонаи Машраб”. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв.№5940. 1285/1868 йилда Саидали бин Саидахмад томонидан кўчирилган. 470 varaқ.

2. “Девонаи Машраб”. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв.№11836. 1257/1841 йилда Али Асғар Чилаки кўчирган. 108 varaқ.

3. “Девони Машраби Намангоний”. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв.№5694. Мулло Ражаб томонидан кўчирилган. 204 varaқ.

Шунингдек, Машраб шеърятининг шу кунга қадар амалга оширилган деярли барча нашрлари¹ тадқиқот объекти сифатида олинди.

Машраб лирикасида қўлланган халқ мақол ва маталлари, афоризмлар ва фразеологик бирликлар таҳлили, шоирнинг фольклоризмларни санъаткорона қўллаш маҳорати илмий тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва илмий методи. Тадқиқот иши кўп асрлик илғор бадиий-эстетик тафаккур намуналарининг яратилиш услублари, демократия маҳсули бўлган адабий-маърифий ғоялар, ҳозирги замон миллий тараққиёт ғоясининг методологик тамойиллари асосида ёзилди.

Адабиётшуносликда тан олинган Форобий, Аттор, Румий, Навоий, Гегель, Н.Г.Чернишевский ва В.Г.Белинский каби мутафаккирларнинг санъат ва адабиёт ҳақидаги мумтоз фикрлари тадқиқотнинг илмий-назарий таянчи бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, Е.Э.Бертельс, В.М.Жирмунский, И.Султонов, В.Абдуллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, И.Абдуллаев, А.Қаюмов, Н.Комилов каби олимларнинг адабиёт назарияси ва тарихи бўйича ёзган тадқиқотлари бизнинг ишимиз учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур тадқиқотни яратишда тарихий-қиёсий методдан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Машраб шеърятининг ўрганилиш тарихи;
- шоир асарларининг адабиётшунослик, фалсафа ва фольклоршуносликда ўрганилиши бўйича амалга оширилган тадқиқотлар таснифи;
- шоир ғазалиётида ифодаланган бадиий-эстетик ва маънавий-ахлоқий қарашлар таҳлили;

¹ Қаранг: Машраб. Танланган шеърлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1958. – 94 б.; Машраб. Танланган асарлар. Биринчи нашр. – Т.: Бадиий адабиёт, 1963. – 200 б.; Машраб. Машраб шеърятидан. – Т., 1979. – 127 б.; Машраб. Девон. – Т., 1980; Машраб Бобораҳим. Меҳрибоним қайдасан? – Т.: Ғафур Ғулом, 1990. – 416 б.; Машраб Бобораҳим. Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим. – Наманган, 1990. – 80 б.

- Машраб шеърлятида қўлланган халқ мақоллари, ҳикматли сўз ва иборалар шоир бадииятини кўрсатувчи мезон эканлиги;
- шоирнинг поэтик фикрлаш тарзига омил бўлган маҳорат қирралари;
- Машраб ғазалиёти ва халқ тили масаласи.

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур ишда машрабшунослик тарихи, Машраб поэтикаси изчил тарзда махсус ўрганилди. Текширишлар жараёнида Машраб лирик меросида акс этган оғзаки ижодга хос барча унсурлар (мақол, матал, афоризм, сўз ва иборалар)нинг тарихий-бадий асослари ва генетик илдизлари қадимги туркий ва форсий поэзияга, шунингдек, Ўрта аср тасаввуф шеърлятига бориб туташиши аниқлангани тадқиқотнинг илмий янгилигини кўрсатади.

Машраб лирикасида чуқур мазмун ва гўзал бадиият уйғунлигини таъминлашда мақол, матал, афоризм, сўз ва ибора, тарихий ва адабий персонажлар ўрни илмий баҳолангани, уларни қўллашдан қўзланган поэтик мақсад тадқиқ қилингани ҳам ишнинг илмий янгилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий ишнинг натижалари келажакда ўзбек лирикасини, халқ оғзаки ижоди анъаналари тизимини, унинг тарихий тараққиётини ўрганишда, шунингдек, ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратишда илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Мазкур ишдан ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, шунингдек, олий ўқув юртларининг филология факультетларида маъруза ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Ушбу тадқиқотдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти факультети бакалаврият босқичи талабаларига “Ўзбек мумтоз адабиёти”, “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди” фанларини ўқитишда қўшимча адабиёт сифатида фойдаланилмоқда. Университетда ўтказилаётган турли маънавий-маърифий ва адабий кечалар дастурларини тайёрлашда ҳам тадқиқот натижаларидан истифода этилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Мазкур тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек адабиёти” кафедрасида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети “Ўзбек мумтоз адабиёти” ҳамда “Матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедраларининг қўшма мажлисида ҳамда университет ҳузуридаги Д.067.02.16 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ОАК эътироф этган “Ўзбек тили ва адабиёти”, Тошкент ислом университети “Илмий-таҳлилий Ахбороти” журналларида, республика матбуоти нашрларида, илмий тўпламларда, хориж илмий матбуоти (Туркия)да,

шунингдек www.Ziyounet.uz сайтида берилган мақолаларда ўз аксини топган. Иш юзасидан 9 мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Ушбу диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ҳамда вазифалари, илмий янгилиги, методологик асослари ва методлари, тадқиқот объекти, назарий ва амалий аҳамияти, жорийланиши, синовдан ўтиши ва тузилиши баён этилган.

Биринчи боб **“Машраб ҳаёти ва адабий меросининг ўрганилиш тарихи”** деб номланган бўлиб, унинг **“XVIII асрдан XX асрнинг 80-йиллари охирига қадар ўтган даврда Машраб асарларининг ўрганилиш даражаси”** номли биринчи фаслида машрабшунослик бўйича яратилган илмий ишлар ва турли баҳс-мунозаралар тарихи, шоир ижоди ва халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ тадқиқотлар ўрганилган.

Машрабшунослик кўп йиллик тарихга эга. Шоир асарларининг тадқиқ этилиши тарихини шартли равишда тўрт даврга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) XVII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр; 2) Чор Россияси истилоси даврида Машраб ижоди бўйича олиб борилган ишлар; 3) октябрь тўнтаришидан то XX асрнинг 80-йилларигача бўлган вақт; 4) мустақиллик йиллари машрабшунослиги.

Машрабнинг ҳаёти ва ижодидан хабар берувчи манбалар XVII–XIX асрлар оралиғида яратилган тарихий ҳужжатлар, қиссалар ва тазкиралардан иборат. У ҳақда дастлаб маълумот берган муаллиф замондоши Муҳаммад Малехо Самарқандийдир. У 1692 йилда ёзган **“Музаккири аҳбоб”** тазкирасида Машрабнинг қаерда туғилгани, кимлардан таълим олиб, қандай руҳдаги асарлар яратгани тўғрисида қисқача маълумот беради.

Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг **“Мунтахаб ут-таворих”**и, Мирзо Олим Мушрифнинг Машраб ҳақидаги фикрлари, Зиёвуддин Исҳоқ Боғистонийнинг **“Тазкирайи каландарон”** асари ҳам ана шундай манбалардир.

Рус этнограф шарқшунослари томонидан бу борада қилинган илмий тадқиқотлар ҳам аҳамиятлидир. Профессор Веселовскийнинг 1895 йили Санкт-Петербургда нашр этилган **“Восточные заметки”** асари, В.Л.Вяткиннинг 1923 йилда **“Ал Искандария”** тўпламида босилган мақоласи, Н.С.Ликошин, Остроумов, Наливкин ва Нодим Намангоний Машрабга оид ҳужжатларни тўплаб, қатор мақолалар чоп эттиргани маълум. Европа адабиётшунослигида Ҳерман Вамбери, Дитрель де-Ренн ва Бернар Гренер, немис олими Мартин Хартман тадқиқотлари билан машрабшуносликка маълум маънода ҳисса қўшдилар. Хартманнинг **“Доно дарвиш ва авлиё даҳрий”** (1902), **“Қадамжо”** (1903) номли мақолалари ушбу

фикрни тасдиқлайди. Академик Воҳид Абдуллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида маълумот беришича, Машрабнинг замондошлари балхлик шоир Сурат, ҳинд шоири Бехуд, Нозим Хисравий, Шавкат Бухорий, форс шоири Рафиъ Шоҳид, Сухан Зухур каби таниқли кишилар Машрабнинг шеърлари, ҳаёти ва унинг аянчли тақдири ҳақида ўз мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар.

XX асрнинг 60-йилларига келиб Машраб ҳақидаги кўплаб тадқиқотлар яратилди. З.Ризаев, Ш.Зунунов, М.Зокиров, А.Абдуғафуровлар машрабшуносликда эришилган ютуқларга суяниб, бир неча илмий мақолалар ёздилар.

Э.Шодиев “Машраб “Девон”и ҳақида мулоҳазалар” номли мақоласида В.Раҳмонов ва К.Исроиловлар томонидан 1980 йили нашрга тайёрланган Машраб “Девон”и ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирган.

Адабиётшунос Н.Маллаевнинг Машраб ҳақидаги халқ афсоналарини ўқувчиларга тақдим этиш борасидаги ишлари, О. Носировнинг Машрабнинг ғазал тараққиёти ривожига ўрнига оид фикрлари, М.Тўхтаўжаевнинг Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилишига доир изланишлари диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки тадқиқотлар шоир меросини аниқлаш ва тўплаш, халқ ўртасида ёйиш, литографик усулда чоп этишдан иборат бўлган. Шоир ижодида халқ мақоллари ва маталларидан, афоризмлардан, фольклор анъаналаридан фойдаланиш масаласи алоҳида ўрганилмаган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Мустақиллик даврида машрабшунослик бўйича амалга оширилган тадқиқотлар кўлами”** деб номланди.

Мустақиллик кўпгина ижодкорлар қатори Машраб меросини ҳам тўлақонли нашр этиш, таҳлил қилиш ва халқ маънавияти мулкига айлантириш имкониятини кенгайтди. Унинг асарларидаги ислом, тасаввуф таълимоти, фалсафаси ва маданияти билан боғлиқ фикрларни ҳар томонлама таҳлил этиш жараёнлари бошланиб кетди. Бу даврда нашр қилинган “Қиссаи Машраб” ва “Қиссаи шоҳ Машраб” маноқиблари бунинг исботидир. Адабиётшунослар Ж.Юсупов ва И.Абдуллаевларнинг тадқиқотлари, айниқса, аҳамиятлидир: И.Ҳаққулов¹, Э.Мусурмонқулов², М.Ҳошимхонов³, А.Халилбеков⁴, Д.Ҳамроева⁵ каби адабиётшуносларнинг

¹ Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.; Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998.

² Мусурмонқулов Э. Ошиқ фано бўлмай туриб... // Ёшлик, 1997. №5; Мусурмонқулов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1995. – 20 б.

³ Ҳошимхонов М. Машраб ва Ўрта Осиёдаги ижтимоий фикр тараққиёти. Фалсафа фан. номз... дисс. – Т., 1994. – 156 б.; Ҳошимхонов М. Машраб фалсафаси. // Мулоқот. 1997. №6; Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзим. – Т.: Шарқ, 2002. – 144 б.

⁴ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Т.: Руҳафзо, 1998. – 174 б.

⁵ Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ ва истилоҳ мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2004. – 156 б.

мақола ва монографияларида машрабшунослик илмий жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Адабиётшунос Н.Комилов ўзининг тасаввуф ва тасаввуф адабиётига оид қатор асарларида бошқа ижодкорлар қатори Машраб ижодини бугунги кунда қандай ўрганиш зарурлигини аниқлаб берди¹.

А.Абдуғафуров, И.Ғафуров, Н.Жумахўжа, Х.Болтабоев, Т.Раҳмонов каби олимларнинг ишлари шоир меросини янгича ўрганишга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур тадқиқотларни ўрганиш яна бир бор Машраб ва халқ оғзаки ижоди масаласи тадқиқи адабиётшунослик кун тартибида турганини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Машраб шеъриятидаги мақол ва фразеологизмларнинг поэтик вазифалари”** деб аталган. Бобнинг биринчи фасли **“Шоир шеърларида халқ мақоллари”** деб номланади. Унда Машраб қўллаган халқ мақоллари, матал ва афоризмлар, уларнинг бадий матн таркибидаги поэтик вазифалари таҳлил қилинди. Машраб лирикасидаги халқ оғзаки ижоди унсурларининг миллий замини ва бадий қирралари ўрганилди. Машраб лирикасини умумназарий асосда таҳлил қилиш, халқ мақолларининг шоир ижодидаги талқинлари иккинчи бобнинг мавзу доирасига киритилди.

Дарди фироқинг айлади бемор,
Қайга борай мен эмди давога².

Юқоридаги байтда “Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога” деган мақол мазмунидан усталик билан фойдаланилгани кузатилади.

Машраб томонидан қўлланган мақоллар кўп ҳолларда фикран лўнда, аниқ ва образлидир. Бинобарин, шоир ишлатган мақол ва маталлар бадий нутққа мазмуний салмоқ, ўзига хос жило бахш этади. Бошқа мумтоз шоирлар ижодида бўлганидек, Машраб қўллаган мақолларда ҳам, ўзбек халқининг ўзига хос турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, дунёқараши, меҳнатга, инсонга ва Аллоҳга муносабати ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам шоир асарларида қўлланилган мақоллар халқ ҳаёти, руҳий дунёси билан яқиндир.

Халқ мақолларидаги ихчамлик, лўндалик, ҳайратомуз мантиқий изчиллик ҳамма вақт Машрабни ўзига мафтун этган. Мақол ва маталларга хос мўъжаз маънолик, сиқикликдан таъсирланган Машраб ғазаллари тили оғзаки ижодга хос сермазмун ва тушунилиши осон экани билан алоҳида ажралиб туради. У шеър вазни, қофия ва банд талабларига мос тарзда мақоллардан ўринли фойдаланишга эришган.

¹ Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.; Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1999. – 208 б.

² Машраб. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 40.

Машраб шеърлятида маҳорат билан қўлланган халқ мақоллари, ҳикматли сўз ва иборалар шоир шеърларининг салмоғини, бадииятини кўрсатувчи мезонлардир. Шоирнинг поэтик маҳорати унинг ўзбек адабий тилини халқ сўзлашув тилига яқинлаштиришдаги хизматлари билан ҳам белгиланади.

Машраб ғазалларидаги сингари “Мабдаи нур”, “Кимё” асарларидаги манзум ҳикояларда ҳам “ирсоли масал” маҳорат билан қўлланган.

“Қўлида чироғи йўқни чоҳ кутар” деган мақолни Машраб ҳақ йўлидан адашганларга қарата қўллайди:

Кимки йўлда шамъи йўқдур, каж назар,
Йўл юрар чоғи жаҳаннамга тушар¹.

Шоир асарларининг халқ дили ва дидига маъқул келиши, халқ томонидан севиб ўқилиши ва қуйланиши унинг шеърляти мазмунан халқчил ва услубан халқона эканлигини кўрсатади.

Яна бир ўринда Машраб халқимизнинг “Бошга тушганни кўз кўрар” деган мақолини мана бундай талқин этади:

Оҳу фиғон қилиб кетай, тоғу тоша бошим урай,
Бошима минг балоға ғам, кунда турур қиёматим².

Бу байтда мақол мазмунидан ташқари, “оҳу фиғон қилиб кетиш”, “бошни тошга уриш” каби иборалардан ҳам усталик билан фойдаланилган.

Текширишлар кўрсатадики, Машраб лирик меросида акс этган оғзаки ижодга хос барча унсурлар (мақол, матал, афоризм, сўз ва иборалар)нинг тарихий-бадий асослари ва генетик илдизлари қадимги туркий ва форсий поэзияга, шунингдек, Ўрта аср тасаввуф шеърлятига бориб туташади. Шунинг учун халқ оғзаки ижоди ва Машраб шеърляти мавзуси диссертацияда тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан ҳам ўрганилди.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Халқона поэтик ибораларнинг Машраб шеърларидаги талқини”** деб номланган.

Адабий ижодда халқона иборалар тарихий анъанавий тимсоллар талқинини тадқиқ этиш, уларнинг бадий асар матнидаги бадий-эстетик вазифасини ўрганиш долзарб масалалардандир.

Агар ижодкор халқ жонли тилининг бирор воситасини, хусусан, мақол, матал, ҳикматли сўз ва ибораларни танлаб олар экан, шу воситани бадий асар талабига ва ўзининг бадий ниятига мувофиқ тарзда қўллайди. Ижодкор халқ тилидан бадий воситалар топиб, ўз услубига хос хусусиятларни шакллантиради.

Диссертацияда Машраб ижодида қўлланган мақол ва афоризмлар ўрганилар экан, унинг шеърлятида юксак мавқени эгаллаган жонли

¹ Машраб. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 88.

² Машраб. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1980. – Б. 75.

сўзлашувга хос унсурлар, идиоматик иборалар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилди.

Машраб девонидаги “деб” радифли ғазалда “*мулки жаҳонга ўт ёқиш*”, “*ғавғои қиёмат қилиш*” каби бирикмалар асосида шаклланган ибораларни қўллаш орқали ёрнинг гўзаллигидан пайдо бўлувчи ҳолатнинг анчайин муболағадор тасвири ифодаланган:

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқди жаҳон мулкина ғавғо қилайин деб¹.

Бу байтдаги “*то кийди қизил*” деган иборага диққат-эътиборни қаратадиган бўлсак, шубҳасиз, Машраб бу ўринда маъшуқасини “қизил кийим”ни кийиб, қизил қон тўкишга шайланган кўчма маънодаги “жаллод”га ўхшатаётгани англашилади.

Машраб “Арзимни айтай” матлаъи билан бошланадиган ғазалида ҳам ишқ йўлидаги “аҳду вафо”ни ким бузадиган бўлса, “худога солиши”ни худди шу маънода ишлатган. Суюкли ёрга, маҳбубага мурожаат қилинганда кўпинча “*қоракўз*”, “*мастона кўз*” иборалари қўлланади. Шоир “хўб” радифли ғазалида ҳар қадамда ваъдасидан қайтадиган маъшуқанинг “мастона қора кўзи”га ишониб, алданмасликни уқтиради:

Гар бодмасал чарх уриб Машраби мискинни,
Мастона қаро кўзга нигоҳ чекмаганинг хўб.

Бу байтда шоир “*шамолдек*”, “*шамолга ўхшаб*” деган иборани “*бодмасал*” тарзида қўллаган. Машраб бир неча байтларида “*кўнгилдан ўтказмоқ*” иборасини “*ўйламоқ*”, “*кўнгли жойига тушди*” иборасини эса “*тинчимок*” маъносида ишлатади. “*Эти суюгига ёпишган*” ибораси орқали эса “озғин”, “қотма” маъносини кўзда тутди.

Шоирнинг “*Кўнглимни бердим*”, “*Кўрсат жамолинг*” деб бошланадиган кичик ҳажмли ғазалларида вазн, ритм ва қофия маҳорат билан уйғунлашгани кузатилади. Унда “*куйди юрагим*”, “*юз минг балога қолдим*”, “*жафо чекиш*”, “*кўнгли қаттиқ*”, “*бемори ишқ*”, “*совуқ сўз тушди*”, “*остонага бош қўйиш*” каби ўзбекча ва форсча изофалар билан омукта сўз бирикмалари анчагина.

Машраб адабий мероси моҳият эътибори билан дунёвий ва ҳаётбахш бўлиб, айни пайтда, у руҳоний-ирфоний хусусиятга ҳам эга. Шоир асарларининг илҳом манбаини давр, замон, ҳаёт ва инсон муаммолари ташкил этади. У борлиқни ҳар томонлама чуқур ва таъсирли тарзда тасвирлаш учун тасаввуф таълимотига таянган эди. Шарқ адабиётидаги илғор анъаналарнинг давомчиси сифатида қалам тебратган Машраб ижодиётида ана шу икки жиҳат ёрқин кўзга ташланиб туради. Улуғ ижодкорнинг илоҳий-ирфоний маслаги халқ оғзаки ижоди учун ҳам хос бўлган инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш учун бир восита бўлиб хизмат қилган. Шоир ғазалиётининг ғоя ва образлар олами атрофлича тадқиқ этилганда бу ҳақиқат яққол намоён бўлади.

¹ Машраб. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 46.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Машраб асарларида қўлланилган асосий шеърий санъатлар**” деб номланган. Бобнинг биринчи фасли “**Шоир ижодида шеърий санъатларнинг қўлланиш даражаси**” тадқиқига бағишланган. Машраб шеърияти кўп асрлик ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарининг тадрижий давоми бўлиб, шеърий санъатлардан фойдаланишда унинг ўзига хос услуби бор. Фикрнинг таъсирчан бўлишини таъминлаш мақсадида шоир шеърий санъатларнинг халқ тилига яқин вариантларини топиб ишлатишга муяссар бўлган. У ўз асарларида функционал жиҳатдан араб, форс ва туркий шеърият учун бирдек хос бўлган бадиий санъатларнинг аксариятидан унумли фойдаланган.

Машрабнинг ғазал, маснавий, муламмаъ, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ жанрларидаги асарлари шеърий санъатлар маҳорат билан қўлланилган жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Атоий, Гадоий, Сайфи Саройи, Лутфий, Саккокий, Навоий ва Бобур каби мумтоз сўз санъаткорларининг маҳорат мактабида тобланган Машраб уларнинг поэтик анъаналарини муносиб давом эттирди. Шоир қўллаган шеърий санъатлар табиийлиги ва дилга яқинлиги билан эътиборга моликдир.

Шоир асарларида муболаға, ташбиҳ, тамсил, ҳусни таълил, тажоҳули ориф, ташхис, талмиҳ, истиора, ирсоли масал, иқтибос каби маънавий санъатлар истифода этилган. Шунингдек, лафзий санъатлардан ийҳом маҳорат билан қўлланган.

Маълумки, “Ийҳом”нинг луғавий маъноси гумонга солиш бўлиб, бадиъшуносликда “тахйил” (ўйлантириш) ва “таврия” (ўнгини тескари қилиб кўрсатиш, беркитиш) деб аталади. Баъзан ийҳом тасвия – тенглаштириш санъати бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин. Машрабнинг куйидаги байти бунга мисол бўлади:

Эй Машраби қаландар, яхшиға банда бўлғил,
Ҳалвойитар бўлмас шаккар қўшилмагунча¹.

Яъни, эй қаландар Машраб, яхшилар хизматини қилиб, ўзинг ҳам улар қаторидан ўрин ол. Чунки тарбияга муҳтож киши яхшилар суҳбатига муяссар бўлмагунча, камолга етмайди. Байтда яхши одам шакарга, тарбияга муҳтож киши эса хом аталага қиёсланган.

Шоирнинг жуда кўп байтлари ҳусни таълил санъати билан музайян эканлигини кўриш мумкин: “Қофу нун – кўзу, лабинг – мадд, алифу мадд – қошинг”², “Шаъм учида юзинг ўт, ўт узра сочингдур дуд”³, “Лабинг лаълу хатинг Хизру юзинг монанди Юсуфдур”⁴, “Шажарлар – хома, дарёлар сиёху еру кўк – саҳфа, Рақам қилсам адо бўлмас ғаминг бисёр, соғиндим”⁵.

¹ Машраб. Девон. – Т.: Янги аср авлоди. 2004. – Б. 14.

² Машраб. Кўрсатилган асар. – Б. 76.

³ Машраб. Кўрсатилган асар. – Б. 82.

⁴ Машраб. Кўрсатилган асар. – Б. 104.

⁵ Машраб. Кўрсатилган асар. – Б. 36.

Айниқса, Машраб мустазодлари поэтикаси ҳар қандай шеър шайдосини ўзига мафтун этади. Мустазодларда талмиҳ, тажнис, ҳусни таълил, таносуб каби санъатларни кўп учратиш мумкин. Шоирнинг “Эй санам, гул-гул ёнибсан, май ичиб рахшонмусан?” мисраси билан бошланувчи мухаммасида қўлланган тажохули ориф усули шеърӣ санъатнинг мумтоз намунаси саналади:

Икки рухсоринг қизил гулдурму ё барги суман?
Донайи райҳон – қаро холи хатинг саҳни чаман,
Сиймтан, гулпироҳан, ширинсухан, нозик бадан,
Одамийсан ё парисан бул назокат бирла сан,
Ҳурмусан, ғилмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан?¹

Бобнинг иккинчи фасли **“Машраб шеърларида “ирсоли масал” ва “талмех” санъатининг ишлатилиши”** деб аталган. “Ирсоли масал”, “мақол киритиш”, “масал келтириш” деган маънони билдириши маълум. “Масал” билан “мақол” сўзлари мумтоз адабиёт намуналарида баъзан синоним бўлиб келади. Жонли тилда масал кичик бир ибратли воқеа маъносида қўлланади. Адабиётшунос А. Ҳожиаҳмедов бу санъатнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган эҳтиёжни аввал айтилган фикрни тасдиқлаш ва унинг тўғрилигига шубҳа қолдирмаслик мақсади билан изоҳлайди².

Машраб “ирсоли масал”нинг асосан уч турини қўллаган: 1) мақолни тўлиқ келтириш; 2) мақол, матал ва ёки масалга ишора қилиш; 3) вазн талабига кўра мазмунни сақлаган ҳолда мақол сўзларини ўзгартириш.

“Икки кеманинг учини тутган сувга ғарқ бўлади” деган мақолни шоир қуйидаги маснавий байтига жо этади:

Иккини тутган бу матлабдин қолур,
Аҳли тақлид яхши мазҳабдин қолур³.

“Ҳар ким ўз кўмочига кул тортар” деган нақл жуда қадимийдир. Бу мақол ҳар киши фақат ўз манфаатини кўзлайди, деган маънода ишлатилади. Машраб бирор нарсага эътиқод қўйишда ўзбошимчалик билан фикр қилиб, бадгумонликка бормасликни маслаҳат беради:

Ҳар ким ўз жонибига йўл тортадур,
Саййиотини бировга ортадур,
Улки ожиз бўлмади идроки йўқ,
Хотири ободу қалби поки йўқ⁴.

Ўзбек халқи мақол бисотида “Бошидан ўтказган – табиб”, “Тутуннинг аччиғи мўрига”, “Дард кўрган, дард тортганни танир” каби мақоллар

¹ Машраб. Кўрсатилган асар. – Б. 24

² Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 59.

³ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Т.: Фан. 1994. – Б. 50.

⁴ Ўша асар. – Б. 53.

мавжуд. Машраб шу мақоллар замиридан келиб чиқиб, халқимизнинг бир ҳикмати жузъий ўзгаришлар билан қуйидагича қўллаган:

Улки дард топган бўлса софи замир,
Дард кўрган, дард кўрганни танир.

Агар шеърӣ ҳикоя таркибида масалдан фойдаланиш зарурати туғилиб қолса, шоир унга ишора қилиш усулини танлайди. Агарда ғазал ёки мухаммас байтлари ичида мақолдан фойдаланиш эҳтиёжи туғилиб қолса, шоир айнан келтириш усулини афзал кўради. Баъзан байтларда мақол маъносига уйғун келувчи фикр ифодаланган бўлади. Ўқувчи шоирнинг нима демоқчи эканлигини фаҳмлашда мақолни ёдига келтиради. Бу ҳам шоирнинг шеърӣ маҳорат сирларидан бўлиб, бу ерда мақол асосий фикр учун маънавий таянч, кўзга кўринмас қалқон вазифасини бажаради.

Мазкур санъатдан фойдаланишда Машраб ҳам устозлар анъанасига эргашиди. Равон ва шўхчан бандлардаги самимият эса халқ оҳанглари эслатиб туради. Машраб асарларида ўзбек ва тожик халқлари қўллайдиган мақолларга кўп мурожаат қилиниши унинг ўзбек-тожик муҳити учун яратилганлигини кўрсатади.

Шоир мақолларни келтиришда инсоннинг чигал ва ранг-баранг руҳий кечинмалари, нозик ҳис-туйғуларини ҳисобга олади. Уларни ўқувчига фавқулудда содда ва айтишда жуда таъсирчан мисраларда ҳавола қилади.

Уч дафтарни ўз ичига олган “Мабдаи нур”да истифода этилган ўзбекча, тожикча мақол ва масаллар, Гулханийнинг “Зарбулмасал”ини ёдга солади. Асарда “Кўза ёруқ бўлса, кулол айбдор”, “Ихлос қилган шайтондан ҳам топар”, “Нима эксанг – шуни ўрасан”, “Ёмонлик қилган – ёмонлик кўрар”, “Тақаббурнинг иши саргардонлик”, “Билмагани ўлим билдирар”, “Дарё тўлса, чўлга тошар”, “Кўз ёши (тушда) – ёруғлик”, “Сел келса, наҳангга не ғам” каби мақоллар санъаткорона қўлланган¹.

“Нафс – аждаҳодан ёмон” мақоли “Мабдаи нур” ҳикоятларининг бирида жуда чуқур ва маънодор тарзда берилган. Нафсни шоир баъзан Аҳраман девга қиёс қилади:

Нафс қўшилса аждаҳо девга,
Бўлди машғул макру рангу рева².

Халқимизнинг кўп минг йиллик тил бойлиги хазинасини ўз хотирасига ихлос билан жойлаб олган Машраб, унинг турли-туман дур-жавоҳирларини шеърӣят бўстонида олиб кириш борасида маҳорат билан қалам тебратиб билди.

Машраб ижодида талмеҳ санъатининг ранг-баранг кўринишлари ва шакллари мавжуд. У бир қатор тарихий ва афсонавий қаҳрамонлар тимсолида ўзининг ғоявий-бадий қарашларини маҳорат билан ифода қилади.

¹ Бу ҳақда қаранг: Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Т.: Фан, 1994. – Б. 36, 120.

² Машраб. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 40.

У ўзининг ғазал ва мухаммасларида, “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарларида ислом оламида машҳур бўлган Нух, Иброҳим, Яхё, Яъқуб, Айюб, Довуд, Исо, Сулаймон, Мусо, Юсуф каби пайғамбарлар номини тилга олади ва улар ҳаётига оид қиссаларга ишоралар қилади. Машраб пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сосонийлар сулосасига мансуб Искандар, Доро, Хисрав Парвиз, Жамшид, Шаддод, Тур каби подшоҳлар ҳаётидан мисол келтириб, образли тасвир воситасида дунёпарастликни қоралайди.

Машраб ёзма манбаларгина эмас, балки оғзаки қисса ва афсоналар моҳиятини ҳам асарлари замирига усталик билан сингдиради:

Мен ютган аламларни, агар заррача ютса,
Дорои жаҳон, Хусрави даврон чидай олмас.

У ўзининг халқ кўшиғига айланиб кетган “Дилрабо дерлар” деб номланган машҳур ғазалида тарихда ўтган афсонавий ошиқлар образини ёдга олади:

Қани Лайли, қани Мажнун, қани Хусрав билан Ширин,
Алар ўтди бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.

Бу байтда, шубҳасиз Лайли ва Мажнунлар, Фарҳоду Ширинлар ҳақидаги қисса ва ривоятлар ҳам кўзда тутилган.

Подшоҳларни инсофга чақириш, одамларни бойлик кетидан қувмасликка ундаш, дунёнинг ўткинчи эканлигини ёдга солиш мумтоз шеърятнинг хос усулларида. Машраб пайғамбар ва авлиёларга образи талқинига катта эътибор билан қараган. Бу зотлар билан боғлиқ халқ ривоятлари, афсона ва ҳикоятларга ўрин ажратиб, уларнинг сифат ҳамда хислатларига ишоралар қилгани ушбу фикрни тасдиқлайди:

Сулаймон тахтию Жамшид жомига бермасман,
Қўлимга косаи чўбин олиб қилсам гадоликни¹.
Сенсиз менга, нигоро, икки олам керакмас.
Тахту бахти Сулаймон, сенсиз Ҳотам керакмас².

Машраб ўзининг серқирра ижодида фақат мажозий ишқни тасвирлабгина қолмай, ишқи ҳақиқатни ҳам баланд пардаларда куйлади. Шу йўл билан илм аҳллариининг ҳаётидан, ижодидан, намуналар келтириб, адабий-фалсафий ниятларини бадий ифодалайди.

¹ Машраб. Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 271.

² Қўрсатилган асар. – Б. 272.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот натижаларидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Бобораҳим Машраб ўз салафлари сингари ғазал, маснавий, муламмаъ, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ жанрларида қалам тебратди. У ҳам ўрта аср мумтоз шоирлари каби анъанавий ишқ мавзусида ғазаллар ва манзумалар ёзиб, мумтоз шеъриятимиз тараққиётида муносиб из қолдирди.

2. Шоирнинг дин ва тасаввуфга боғлиқ шеърларида халқ оғзаки ижоди анъаналари бетакрор бадиий талқин этилган. “Мажоз тариқи била ҳақиқат асрори”ни ифодалаган ижодкор ошиқлик, комиллик ва орифлик, пок муҳаббат каби мавзуларни илоҳий китоблардаги кўрсатмалар асосида, шу қаторда халқ оғзаки ижодининг мақол, матал, афоризм, сўз ва иборалари ҳамда тарихий-анъанавий шахслар ибрати воситасида маҳорат билан тасвирлайди.

Машраб ғазалларида ифодаланган мажозий ишқ ҳақиқий ишқ йўлидаги бир восита, бир кўприқдир. Унинг ғазалларидаги инсоний муҳаббат замирида Яратувчининг буюк санъаткорлигидан ҳайратга тушиш, инсон ва олам гўзаллигидан завқланиш, комил инсон сиймосида Тангри жамолини мушоҳада қилиш туйғуси ётади. Шоир ўзининг фалсафий, мантикий завқланишлари, мушоҳадаларини санъаткорона тасвирлайди.

3. Машраб ўз асарларида халқ оғзаки ижодининг кенг имкониятларидан маҳорат билан фойдаланди. Уларда халқ оғзаки ижоди эртак, мақол, афоризм, ҳикоят ва латифалари ўзига хос бадиий талқин этилган.

Машрабнинг панд-насихатлари, Марказий Осиёдаги халқлар, айниқса, туркийлар ҳаёти, урф-одатлари билан бевосита боғлиқ. Унинг ғазаллари XVII- XVIII асрнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ва тарихий жараёнини нисбатан кенгроқ ифодалаши билан ҳам аҳамиятга моликдир.

4. Машрабшунослик ўзига хос мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Агар рус тадқиқотчилари Машрабни халқ нима сабабга кўра кўп ўқийди, деган жумбоққа жавоб излаш учун унинг меросини ўрганишга қизиққан бўлсалар, шўро давридаги ўзбек олимлари Машрабни мафкуравий қатағонлардан асраш учун турли ён беришларга мажбур бўлганликлари кузатилади.

5. Ижодкор халқ жонли тилининг бирор воситасини-мақол, матал, ҳикматли сўз ва ибораларни танлаб ишлатар экан, бу воситани бадиий асар талабига мувофиқ ижодий тарзда қўллайди. Бу орқали у ўз услуби хусусиятларини намоён этади. Шу боисдан Машраб ижодидаги мақол ва афоризмларни ўрганганда, унинг шеъриятида юксак мавқе эгаллаган жонли сўзлашувга хос унсурларни, идиоматик ибораларни ҳамда тарихий ва анъанавий тимсоллар таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш тақозо этилади.

Шоир ўз ғазалларида, асосан, фразеологизмлардан кенг миқёсда фойдаланган.

6. Машраб халқ оғзаки ижодига таяниб, ғазалда ўзига хос соддаликка, фикр-туйғуларини халқ руҳи ва тилига яқин бўлган воситалар билан сайқаллашга эришди. Шоир мақол, матал ва масалларни “ирсоли масал”, “тамсил” каби санъатлар воситасида ҳам қўллади. Уларнинг ёзма адабиёт воситасида халқ бисотида яшаб қолишига катта ҳисса қўшди. Машраб, айниқса мақоллар воситасида фикрни лўнда, ихчам ва таъсирли ифодалашга эришади.

7. Машраб мумтоз адабиётнинг қонуний давомчиларидан биридир. У ўзига қадар бўлган ўзбек адабиётининг тараққиёт йўлига катта ҳисса қўшиб, ўз ижоди билан янги, юксак сарҳадларга эришган санъаткордир. У халқ ижодиётига муносабат билдиришда, ундан илҳом олишда улкан ибрат кўрсатди. Шу жиҳатдан ҳам ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклар уйғунлигининг юксак нуқталаридан бири Машраб ижоди дейилса, хато бўлмайди. Шу билан бирга Машраб ижодиёти Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ёзма адабиёти билан халқ поэтик ижоди алоқалари ва умуман, адабиёт билан фольклорнинг ўзаро муносабати типологик ҳодисаларини ёритиш, қонуниятларини ўрганишда муҳим бир манбадир.

8. Машраб шеъриятида инсонпарварликни, дўстликни, ҳамжиҳатликни, инсонлараро меҳру муҳаббатни тарғиб қилди. Шоирнинг муваффақиятларига сабаб бўлган омиллардан яна бири, унинг билимдонлиги, халқ оғзаки ижодини кузатувчанлигида кўринади. Машраб ўз даврида мавжуд илм-фанларни аъло даражада эгаллаган, табиат ва жамият ҳақида муфассал билимга эга бўлиб, жуда кузатувчан, нозикбин эди. Унинг ғазалларида тасвирланган ранг-баранг ҳодисалар орасида бутун Шарқ адабиёти учун хос бўлган чуқур фалсафий мулоҳазалар талқини оз эмаслиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

9. Шоир халқнинг кундалик ҳаётини яхши билган. Бусиз халқ юрагига етадиган асар яратиш мумкин эмас. У турли касбдаги кишиларни ҳар хил тоифага мансуб шахсларни, уларнинг турмушини, руҳий кайфиятини муфассал ўрганиб чиққан ва шеърларида бетакрор талқин этган.

10. Машраб ўзбек ва форс тилини мукаммал билган, бу тилларда яратилган халқ оғзаки ижоди анъаналарини чуқур эгаллаган. Тилдаги кичик бир хато ҳам ҳар қандай шоир учун катта нуқсон ҳисобланади. Машраб туркий лаҳжаларни, ўзбек адабий тилини ҳамда форс ва араб тилини пухта билган. Унинг шеърлари бетакрорлигини таъмин этган омиллардан яна бири шеърият соҳасида салафлари ютуқларини янгилари билан бойита олганидир. Шу боис у ўзига хос, машрабона шеъриятга асос сола билди.

11. Машраб шеъриятга фольклорни чуқур сингдириб, янгилик беришни, тасаввуф ғоялари билан уни боғлашни муваффақият билан адо этди. Бу йўналишда у ўзига хос йўл тутди. Унинг дунё ва инсон ҳақидаги фалсафий

асарлари назирабозликдан иборат эмас, балки ўз ғояларини катта санъаткорлик билан ифода этган.

Машраб билан бизнинг давримизни уч асрлик масофа ажратиб турибди. Улар тамомила бошқа-бошқа социал-иқтисодий заминга асослангандир. Аммо миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз Машраб улуғлаган ва ардоқлаган туйғуларга бегона эмас. Бинобарин, Машраб бизлар билан замондош. Шубҳасиз, унинг ижодидаги юксак ғоя ва маслак, теран фикр ва идеаллар тарих бисотида қолиб кетмади. Бугун ҳам адабий-эстетик тафаккур ривожига, маънавий-маърифий юксалишга хизмат қилмоқда.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Норматова Р. Машраб ижодида халқ оғзаки ижоди анъанаси. / Маънавиятимиз сарчашмалари. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олимларининг илмий мақолалар мажмуи. – Т., 1999. – Б. 37-46.

2. Норматова Р. “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари. / Романо-герман филологияси ва чет тили таълимининг долзарб муаммолари. Илмий-тадқиқотлар тўплами. – Наманган, 2001. – Б. 42-46.

3. Норматова Р. Машраб ижодида миллий ғоя. / Истиклол йилларида миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши. V тўплам. – Т., 2001. – Б. 41-46.

4. Норматова Р. Машраб ижодида тарихий ва афсонавий тимсоллар талқини. // Олими нуктадон ўзум. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олимларининг илмий мақолалар мажмуи. – Т., 2006. – Б. 114-119.

5. Норматова Р. Машраб ижодида халқона ибораларнинг ўрни. // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. – Тошкент, 2006 - № 2 (11). – Б.41-44.

6. Норматова Р. Машрабшунослик тарихига бир назар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007 - № 2. – Б. 47-50.

7. Норматова Р. Машраб асалари билан халқ дostonларидаги маънавий муштараклик хусусида. // Тошкент ислом университети Илмий-таҳлилий Ахбороти. – Тошкент, 2007 - № 3. – Б. 63-66.

8. Норматова Р. Машраб ғазаллари поэтикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010 - № 2. – Б. 31-33.

9. Normatova R. Meşhrebini islam ahkamları ve irfani fikirlerinden yararlanma mahareti. // Guncel sanat - Antalya / Turkiya /, 2011 - № 15 – S. 8-10.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Норматова Рабоҳат
Абдуллаевнинг 10.01.03 – Ўзбек адабиёти тарихи ихтисослиги бўйича
“Машраб шеърляти ва халқ оғзаки ижоди” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: машрабшунослик, ғазал, ваҳдати шухуд, ваҳдати вужуд, манокіб, мутасаввиф, бадий санъатлар, халқ оғзаки ижоди, фольклоризм, фразеологизм, мақол, матал, мажозий ишқ, халқ китоблари, афоризмлар.

Тадқиқот объектлари: Бобораҳим Машраб девони, “Мабдаи нур” манзумаси, “Қиссаи Машраб” манокіби, ўзбек халқ мақоллари, халқ китоблари.

Ишнинг мақсади: Машраб шеърлятида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг ўзига хос поэтик талқини масаласини, шоир бадий маҳорати сирларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот методи: қиёсий-тарихий.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Машраб шеърлятида қўлланган халқ мақоллари, ҳикматли сўз ва иборалар шоир асарларининг бадииятини кўрсатувчи мезон сифатида ўрганилди. Шоирнинг поэтик фикрлаш тарзига омил бўлган маҳорат қирралари очиб берилди. Машраб ғазалиёти ва халқ тили муаммоси таҳлил этилиб, шоирнинг ўзбек адабий тилини халқ сўзлашув тилига яқинлаштиришдаги хизматлари кўрсатилди. Машраб ва халқ оғзаки ижоди масаласи бугунги маънавий-маърифий ислохотларнинг устувор йўналишларига мувофиқ тарзда тадқиқ қилинди.

Амалий аҳамияти: Ишнинг натижалари келажакда ўзбек мумтоз шеърлятини, халқ оғзаки ижоди анъаналари тизимини, унинг тарихий тараққиётини ўрганишда, шунингдек, ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратишда илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Диссертация хулосалари Машраб асарлари бадииятини ўрганувчи тадқиқотчиларга янгича талқин усуллари тақдим этади. Ушбу илмий иш натижаларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курс ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Ушбу тадқиқот натижалари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаларига “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” курсидан дарс машғулотлари ўтишда ўқув жараёнига татбиқ этиб келинмоқда. Диссертация натижалари асосида семинар машғулотлари ўтилган.

Қўлланиш соҳаси: адабиётшунослик, фольклоршунослик.

Р Е З Ю М Е

диссертации Норматовой Рабахат Абдуллаевны на тему: “Поэзия Машраба и устное народное творчество” на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.03 – История узбекской литературы

Ключевые слова: машрабоведение, газел, вахдати шухуд, вахдати вужуд, манокиб, мутасаввиф, поэтическое искусство, устное народная творчество, фольклористика, фразеологизм, макал, матал, мирской любовь, народные книги, афоризмы.

Объекты исследования: Диван Бабарахима Машраба, стихворный сборник «Мабдаи нур», манокиб «Киссаи Машраб», узбекские народные пословицы, народные книги.

Цель работы: изучить вопрос поэтического толкования традиции устного народного творчества в поэзии Машраба, исследовать тайны поэтического мастерства поэта.

Метод исследования: историко-сравнительный

Полученные результаты и их новизна: в диссертации были изучены народный пословицы, мудрые слова и выражения которые использовань в поэзии Машраба, как критерии его поэтического мастерства. Показаны грани поэтического мастерства и проблемы поэтического размышления поэта. Исследованы заслуги поэта исползоватьприбыжить к устную разговорную речь узбекского литературного языка. Изучень вопрос устного народного творчества и поэзии Машраба в сфере приоритетных духовно-просветительных реформ сегодняшних дней.

Практическая значимость: результаты данного труда могут быть использованы в изучении системы традиции устного народного творчества, узбекской классической поэзии, в его историческое развитие, а также могут служить научном источником в создании истории узбекской классической литературы. Выводы диссертации предоставляют исследователям новые методы толкования поэтики произведений Машраба. Результаты данного научного исследования могут быть использовань в спецкурсах и семинарских занятиях на филологических факультетах ВУЗов республики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты данной диссертации внедрены в учебный процесс на занятиях по курсу «История узбекской классической литературы» студентам факультета узбекского языка и литературы ТГПУ имени Низами. По результатам диссертации были проведены семинарские занятия.

Область применения: литературоведение, фольклористика

RESUME

Thesis of Normatova Rabohat Abdullayevna on the competition of the candidate of philology sciences on speciality 10.01.03-“History of Uzbek literature” subject: “Poetry of Mashrab and people’s oral creation”

Key words: speciality of Mashrab, gazel, vahdati shuhud, vahdati vujud, manokib, mutasavvif, poetical art, people’s oral creation, folk-lorism, phraseology, proverb, matal, mundane love, national books, aphorism.

Subject of the research: Divan of Babarahim Mashrab, poetic collection of “Mabdai nur”, manokib of “Kissai Mashrab”, Uzbek national proverbs, national books.

Purpose of warh: Learning the problem of poetic interpretation traditions of people’s oral creation in the poetry of Mashrab, to research the mysteries of poetic skills of the poet.

Method of research: historical-comparative.

The results achieved and their novelty: National proverbs, wise words and expressions which were used in the poetry of Mashrab were studied in the dissertation as criterions of his poetic skill. The edges of poetic mastery and the problems of poetic meditation of the poet were shown. Mashrab’s gazels and the problem of oral speech were analyzed; the merits of the poet in approaching Uzbek literary language to oral speech were shown in the work. The problem of people’s oral speech and the poetry of Mashrab were researched suitably to today’s priority spiritual-educational reforms.

Practical value: the results of the research may be used in studying the system of traditions of people’s oral creation, Uzbek classical poetry, its historical development and also it might be used as a scientific source in forming the history of Uzbek classical literature. The conclusions of the dissertation present new methods of interpreting the poetry of Mashrab to the researchers. The results of the research can be used in teaching special courses and seminars in the faculties of philology of high educational establishments.

Degree of embed and economic affectivity: the research results have been embedded into the practice in teaching “History of Uzbek classical literature” at the faculty of Uzbek language and literature of Tashkent Pedagogical University. Seminars have been held on the results of the research.

Field of application: studying literature, studying folklore.